

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**КЎКИЕВ БОБУРМИРЗО БАХОДИР ЎҒЛИ**

**ЁРДАМЧИ ПРОЕКЦИЯЛАШ УСУЛЛАРИНИ ЎҚИТИШ ОРҚАЛИ  
ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
МЕТОДИКАСИ (чизмачилик фани мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Чизма геометрия ва  
муҳандислик графикаси)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
on Pedagogical Sciences**

**Кўкиев Бобурмирзо Баходир ўғли**

Ёрдамчи проекциялаш усулларини ўқитиш орқали талабаларнинг  
ижодий фаолиятини ривожлантириш методикаси..... 3

**Кукиев Бобурмирзо Баходир угли**

Методы развития творческой активности учащихся через обучение  
вспомогательным проекционным методам..... 21

**Kukiev Boburmırzo Bahodir oglu**

Methods for developing the creative activity of students through teaching  
auxiliary projection methods..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications..... 43

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**КЎКИЕВ БОБУРМИРЗО БАХОДИР ЎҒЛИ**

**ЁРДАМЧИ ПРОЕКЦИЯЛАШ УСУЛЛАРИНИ ЎҚИТИШ ОРҚАЛИ  
ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
МЕТОДИКАСИ (чизмачилик фани мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Чизма геометрия ва  
муҳандислик графикаси)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Ped2255 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Чирчиқ давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферат уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.cspi.uz](http://www.cspi.uz)) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Джумаев Маманазар Иргашевич**  
педагогика фанлари номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Химматалиев Дўстназар Омонович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Сайдалиев Саидкарим Саиднабиевич**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Кўқон давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ кунини соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй.). Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: [cspi\\_kengash@umail.uz](mailto:cspi_kengash@umail.uz)).

Диссертация билан Чирчиқ давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-27-55; факс: (99870)712-45-41 e-mail: [chspi\\_kengash@umail.uz](mailto:chspi_kengash@umail.uz).)

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ кунини тарқатилди.

(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ж.Э.Усаров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, п.ф.д. (DSc), доцент

**Д.М.Махмудова**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, п.ф.д. (DSc), доцент

**Р.А.Эшчанов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув ва интеграция жараёнлари жадаллашиб бораётган ҳозирги шароитда бўлажак технологик ва чизмачилик таълими ўқитувчисининг ахборот-коммуникация компетенцияларини ривожлантириш орқали касбий график компетентлигини такомиллаштиришга эҳтиёж кучаймоқда. Шу боис YUNESCOнинг “Ўқитувчилар АКТ компетентлигининг таркибий тузилмаси”, “Барча таълим учун малакали ўқитувчилар” каби стратегик лойиҳаларида белгиланган меъёрлар ва халқаро стандартларга асосланиб, 3D ўлчамдаги рақамли технологияларни қўллаш, АКТ билан самарали ишлаш кўникмалари ҳамда касбий график компетентликни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг нуфузли илмий тадқиқот марказларида чизмачилик ва чизма геометрия ўқитувчисининг касбий график компетентлигини ривожлантиришда график билимлар, объектларнинг функционал ва конструктив ўзига хослигини билишга асосланган компетенцияларни самарали қўллаш, график ахборот технологиялари бўйича эркин ижодкорлик муҳитини яратиш, унинг аҳамияти ва муайян технологик масалаларга муносабат, чизмачилик ва чизма геометрия ўқитувчиси йўл қўядиган хатоларнинг олдини олишга қаратилган коррекцион машқлар тизимини ишлаб чиқиш бўйича алоҳида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда “STEAM – таълим” дастури асосида талабаларнинг юқори малакали мутахассис бўлиб етишиши, ижодий фаолиятни ривожлантиришнинг индивидуаллаштирилган ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш, конструкторлик, технологик ва коммуникатив компетентликни ривожлантиришнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим тизимининг ҳозирги босқичида таълим мазмуни ва методикасига, унинг сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилиб, таълим мазмуни лойиҳалаш, касбий график компетенцияларни тузилмаларга ажратиш, ўқитишнинг янги методик моделларини яратиш ва уларни таълим амалиётида қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup> устувор вазифа сифатида белгиланган. Бунда бўлажак чизмачилик таълими ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришнинг дидактик имкониятларни таъминлаш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2017. –Б.39.

фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорлари, шунингдек, соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада олий малакали мутахассислар тайёрлаш жараёни, қонуниятлари ва тенденциялари, бўлажак ўқитувчиларни касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш муаммолари, ўқитувчиларнинг касбий имкониятлари Ш.К.Муродов, Т.К.Мусалимов, А.Абдурахмонов, Д.Ф.Кўчкарлова, Т.Рихсибоев, С.С.Сайдалиев, Д.С.Саидахмедова, А.К.Хамрақулов ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан К.Потье, У.Мезьер, Я.А.Севостянов, М.Я.Громов, А.Х.Редер, Н.И.Макаров, Е.С.Федоров, Н.А.Рынин, М.Я.Громов, В.О.Гордонлар ҳамда С.М.Колотовларнинг илмий изланишларида чизмачилик ва чизма геометрия фанларини ўқитиш, инновацион усулларни позицион ва метрик масалаларни ечишда қўллаш масалалари акс этган.

Хорижлик олимлардан Фрезье, Ферма, Декарт, Г.Монж ва бошқалар тадқиқотларида проекциялаш орқали ижодий компетенцияларни шакллантириш жараёнининг назарий жиҳатлари бўйича изланишлар олиб борилган.

Мазкур муаммо юзасидан узлуксиз таълим тизимида таълим сифатини самарали назорат қилишнинг ташкилий-методологик асослари амалга оширилган бўлса-да, айнан педагогика соҳасида ёрдамчи проекциялаш усулларини ўқитиш орқали талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш методикаси бўйича илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Чирчиқ давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017-0927124 “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” (2017-2020 йй.) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ёрдамчи проекциялаш усулларини ўқитиш орқали талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

### **Тадқиқот вазифалари:**

талабаларнинг касбий ижодий фаоллик компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик имкониятларини аниқлаш;

ёрдамчи проекциялаш усулини ўрганишнинг структуравий-динамик моделини ишлаб чиқиш;

ёрдамчи проекциялаш усуллари ўқитиш орқали талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш;

талабаларнинг касбий компетентлик даражасини аниқлаш ва диагностик баҳолаш тизимини такомиллаштириш.

**Тадқиқот объекти** олий таълим муассасаларида ёрдамчи проекциялаш усуллари ўқитиш орқали талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш жараёни белгиланган бўлиб, тажриба-синов ишларига Фарғона давлат университети, Жиззах давлат педагогика университети ҳамда Чирчиқ давлат педагогика университети тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналишининг 384 нафар респондент-талабалари жалб этилди.

**Тадқиқот предмети** сифатида ёрдамчи проекциялаш усуллари ўқитиш орқали талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари танланди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал қилишда педагогик, психологик, методик ва графика фанларига оид адабиётларни ўрганиш, назарий таҳлил, педагогик кузатиш, анкета, моделлаштириш, ташхислаш, педагогик тажриба-синов ва математик статистика методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот ишининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

чизмачилик ва чизма геометрия фанларида график жараёнларни ёрдамчи проекциялаш, лойиҳалаш функциялари ва мотивацион-қадриятли, когнитив, амалий-фаолиятли, рефлексив-баҳолаш компонентлари ўқув-билиш топшириқларининг креатив ечимини топишга қаратилган ижодий фаолиятни оптимал даражада қўллаб-қувватлаш мантиқига устуворлик бериш орқали аниқлаштирилган;

ёрдамчи проекциялаш усуллари ўқитиш орқали талабаларнинг ижодий компетентлигини ривожлантириш модели индивидуал хусусиятларни максимал ҳисобга олиш, ижодий атмосферанинг барқарорлигини таъминлаш, диалогик биргаликдаги фаолиятни жадаллаштириш каби методик шартларни қатъий белгилашга доир технологик структурни педагогик лойиҳалаш асосида такомиллаштирилган;

чизмачилик ва чизма геометрия фанларида ижодий фаолиятни ривожлантириш методикаси ёрдамчи проекциялашда зарур бўладиган элементларни (техник-дизайн, конструкциялаш, проекциялаш) ассоциатив, интуитив ва мантиқий асосга таянган ҳолда номаълумни излаб топишга қаратилган ташкилий-техник майл билан эвристик усуллар (“mentalist”, “studes”)нинг қайта алоқага киришув даражаси интенсивлигини кучайтириш орқали такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг креатив тафаккурини ривожлантиришнинг педагогик механизми талабанинг шахсий потенциалини намоён бўлишига қаратилган субъект-субъект муносабатлар тизимини индивидуал таълим

траекторияси билан рефлексивлик ҳолатини мунтазам коррекциялаш бўйича композицион-ижодий фаолиятнинг ижобий динамиклигини кенгайтириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ёрдамчи проекциялаш усулларини ўқитиш орқали ижодий фаолиятини ривожлантиришга оид илмий методик тавсиялар ишлаб чиқилди ва дарс жараёнларида қўлланилди;

проекциялаш усулларини ривожлантиришнинг педагогик усул ва воситалари ишлаб чиқилиб, “Педагог муҳандис” номли тўғарак машғулотларини ўтиш учун методик қўлланма ишлаб чиқилган ва жорий этилган;

ёрдамчи проекциялашга оид электрон дарслик (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги гувоҳномаси (№ DGU 10826) яратилган ва педагогик амалиётга жорий қилинган;

“Ёрдамчи проекциялаш” номли ўқув-услубий қўлланмаси яратилган, тажриба синовдан ўтказилган ва амалиётга жорий этилган;

ёрдамчи проекциялаш усулларини ўқитиш орқали ижодий фаолиятини ривожлантириш натижасида халқаро ва республика олимпиадалари совриндорлари хажми ортган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** педагогик таълим соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар тадқиқотчилари, шунингдек, амалиётчиларининг ишларига асосланилгани; тадқиқот вазифаларига мос келадиган, ўзаро бир-бирини тўлдирадиган тадқиқот методларининг қўлланилгани, таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ҳамда сифат жиҳатидан таъминлангани, олинган натижаларнинг ишончли математик статистика методи ёрдамида таҳлил қилингани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани ҳамда эришилган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти интерфаол таълим технологиялари ва методлари воситасида бўлажак педагог муҳандисларининг ёрдамчи проекция усулларини ривожлантиришга хизмат қиладиган методологик ёндашувлар такомиллаштирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак педагог муҳандис ўқитувчиларининг ёрдамчи проекциялаш технологиясини ривожлантириш механизми такомиллаштирилгани, интегратив модели ишлаб чиқилгани, чизма геометрия ва муҳандислик графикаси йўналиши талабаларнинг ёрдамчи проекцияга оид компетенцияларни ривожлантиришга доир амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилгани ҳамда эришилган натижалар “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўзлаштиришда самарали натижалар қўлга киритилишига хизмат қилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ёрдамчи проекциялаш усулларини ўқитиш орқали талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

чизмачилик ва чизма геометрия фанларида график жараёнларни ёрдамчи проекциялаш, лойиҳалаш функциялари ва мотивацион-қадриятли, когнитив, амалий-фаолиятли, рефлексив-баҳолаш компонентларини ўқув-билиш топшириқларининг креатив ечимини топишга қаратилган ижодий фаолиятни оптимал даражада қўллаб-қувватлаш мантиқига устуворлик бериш орқали аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 60111200 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни тадбиқ этиш марказининг 2022 йил 14 июндаги № 02/01-01-13-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиларининг муҳандисликка доир компетенцияларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ёрдамчи проекциялаш усулларини ўқитиш орқали талабаларнинг ижодий компетентлигини ривожлантириш моделини индивидуал хусусиятларни максимал ҳисобга олиш, ижодий атмосферанинг барқарорлигини таъминлаш, диалогик биргаликдаги фаолиятни жадаллаштириш каби методик шартларни қатъий белгилашга доир технологик структурни педагогик лойиҳалаш, чизмачилик ва чизма геометрия фанларида ижодий фаолиятни ривожлантириш методикасини ёрдамчи проекциялашда зарур бўладиган элементларни ассоциатив, интуитив ва мантиқий асосга таянган ҳолда номаълумни излаб топишга қаратилган ташкилий-техник майл билан эвристик усулларнинг қайта алоқага киришув даражаси интенсивлигини кучайтириш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Чизмачилик” номли ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи, 237-653 рақамли гувоҳнома). Натижада, талабаларнинг ёрдамчи проекциялаш усулларини ўзлаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг креатив тафаккурини ривожлантиришнинг педагогик механизмининг талабанинг шахсий потенциалини намоён бўлишига қаратилган субъект-субъект муносабатлар тизимини индивидуал таълим траекторияси билан рефлексивлик ҳолатини мунтазам коррекциялаш бўйича композицион-ижодий фаолиятнинг ижобий динамиклигини кенгайтириш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан A&A Ausbildung und Arbeit Plus GmbH in Bremen in Germany ташкилотининг иш фаолиятини ташкил этишда фойдаланилган (A&A Ausbildung und Arbeit Plus GmbH ташкилотининг 2022 йил 16 мартдаги 2928207-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларни касбий ижодкорлик фаолиятига тайёрлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 номдаги илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп қилиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, шундан 4 таси хорижий ва 7 таси республика журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган; фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган; тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган; тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилгани, эълон қилингани, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ёрдамчи проекциялашнинг тарихи ва назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ёрдамчи проекциялаш усулнинг пайдо бўлиш тарихи, унинг мақсади ва моҳияти илмий - назарий асослари таҳлил қилинган. Ёрдамчи проекциялаш усули ва унинг позицион масалаларни ечишда қўлланилиши талабаларининг касбий график компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик ва психологик омиллари ҳамда талабалар ижодий фаолиятини ривожлантириш касбий компетентлик даражасини ошириш бўйича адабиёт ва илмий тадқиқотлар таҳлили амалга оширилган. Айнан талабалар ижодий фаолиятини ривожлантириш бўйича асосий замонавий ёндашувлар ҳақида хорижий олимлардан А.В.Хуторской, Ю.В.Фролов, И.А.Зимняя. Чизмачилик фанидан проекциялашга оид муаммолар бўйича Э.Рўзиев, Т.К.Мусалимов, А.Абдурахмонов, Д.Ф.Кўчкарова, У.Рихсибоев ва бошқаларнинг тадқиқотларини алоҳида келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Б.Д.Шадриков ижодий фаолият мазмунида компетенция “билим ва вазият ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш, муаммога мос келадиган жараёни (билим ва ҳаракат) кашф қилиш имконини берадиган билимлар, кадриятлар, мойилликларга асосланган умумий қобилият” деб ҳисоблайди. Инглиз тилида ижодий фаолият йўналиши “компетентлик” тушунчаларини ифодалашда икки хил сўздан фойдаланилади ва турли хил таржималарга, яъни “компетенция” ва “малака”га эга. Хорижий олимлар нуқтаи назаридан компетенция - бу шахснинг чуқур ва барқарор хусусияти бўлиб, унинг ёрдамида инсоннинг касбий ва ҳаётий вазиятларнинг етарлича кенг доирадаги хатти-ҳаракатларини олдиндан айтиш мумкин.

Проекциялаш ва лойиҳалаш, қайта проекциялаш, техник шартлар бўйича проекциялашлар асосида талабаларнинг конструктив-график фаолияти ўзига хослиги сифатида техник ечимларни излаш ва уларни график тасвирлаш ётади. Ижодий масалалар мазмуни ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш бўйича методик тавсиялар ишлашда ўқувчиларнинг конструктив-график фаолиятига ҳамроҳ бўлган характерли хусусиятларни ҳисобга олиш муҳим саналади.

Биринчидан, талабалар уларда шаклланган график билимларни қай даражада қўллаш олишини билиш; иккинчидан, ижодий иш жараёнида қандай характерли қийинчиликлар юзага келиши ва уларнинг қай тарзда олдини олишни тушуниш зарур.

Тадқиқотда асосий феноменлардан бўлган “конструктив-график компетентлик”ка бўлажак мутахассиснинг тегишли назарий билим, амалий кўникма ва малакалар, таълим жараёнида орттирилган шахсий ҳамда касбий сифатларга эгаллиги ва касбий фаолиятда уларни тўла намоён эта олишга тайёрлиги, дея таъриф берилди. Конструктив-график компетентлик асосини ташкил этувчи компетенциялар аниқланди (1-расмга қаранг).

Бўлажак муҳандислик графикаси мутахассислари касбий компетентлигини ривожлантиришда қуйидаги тамойиллар устуворлик касб этади: илмийлик; изчиллик ва узвийлик; назария ва амалиёт интеграцияси; фанлараро интеграция, ижтимоий тараққиётга мослик; таълим мазмунининг тушунарлилиги; кўргазмалилик; технологик, онглилик ва фаоллик; билимларнинг пухталиги; индивидуал, инновацион, креатив ва рефлексив ёндашувлар. Айниқса ёрдамчи проекциялашга оид масалалар талабалар касбий фаолиятида катта амалий аҳамият касб этади, зеро уларда муайян техник мақсад тушунарли тарзда қўйилади. Бу мақсадга эришишга интилиш ишга қизиқишни ошади.



**1-расм. Бўлажак ўқитувчиларининг конструктив-график компетентлиги асосини ташкил этувчи сифатлар**

Тадқиқот давомида асосий ёрдамчи проекциялаш билим ва малакаларининг таркибий қисмлари келтириб ўтилди:

1. Ёрдамчи проекциялашга қўйиладиган умумий (функционал, эргономик, эстетик ва бошқа) талабларни билиш.
2. Чизмаларни ўқиш ва бажариш малакаси.
3. Деталларнинг оптимал шакл ва ўлчамларини танлаш малакаси.
4. Қайта ишлаш усуллари билиш.

6. Керакли ҳисоблашларни амалга ошириш малакаси.
7. Жисмларни бирлаштиришнинг намунавий усулларини билиш малакаси.
8. Стандартлар ва маълумотнома характеридаги адабиётлардан фойдаланиш малакаси.
9. Яратилган конструкцияларни синовдан ўтказиш малакаси.
10. Механизмлар билан ишлашда ҳавфсизлик техникаси қоидаларини билиш малакаси.

Проекциялаш элементлари бўлган ижодий масалаларни тузишда аввало проекциялашни тўғри танлаш зарур, бироқ бу ерда мураккаблик яъни, меҳнатнинг машаққатлилиги назарда тутилади. Биринчидан, ўқишнинг илк босқичида таснифланмаган буюмлар, яъни йиғиш жараёнлари амалга оширилмаган бир деталли буюмлар танланади, бироқ талабаларга икки ва ундан ортиқ деталдан тузилган буюмлар сезиларли даражада камлиги маълум. Иккинчидан, график фаолият нуқтаи назаридан қизиқиш уйғотадиган шаклдаги буюмларни танлаш лозим. Бунда имкон қадар буюмнинг шакли замонавий (маънавий эскирган бўлмаслиги) бўлиши ва ниҳоят уни устахонада тайёрлаш мумкинлиги таъминланиши керак. Кейинги проекциялашга оид масалалар давоми йиғиш чизмаларини тузиш ва уни ўқишга қаратилиши талабага уқтириб борилади. Уларда бу мураккаб жараёнга тайёргарлик психологияси шакллантирилади.


Проекциялашга ўргатишда тавсия қилинадиган маълум иш турлари таҳлилида аниқландики, улар айниқса чизмачилик ва чизма геометрия фанлари мантиғига қуйидаги хусусиятларига кўра мувофиқ келади: проекциялашнинг етишмайдиган бўғинини тўлдириш (конструкциялашни охирига етказиш); прототип таҳлили асосида проекциялашни такомиллаштириш (қайта конструкциялаш); техник шартлар бўйича (предметли-график таянчлар билан) конструкциялаш. Юқорида келтирилган усуллар чизма геометрия фанининг ўқитиш жараёнларини фаоллаштиради, чунки улар график тасвирлардан фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ. Бундан ташқари, улар схема бўйича ёки ўз ғоясига кўра проекциялашга нисбатан анча соддалиги билан ажралиб туради.

Диссертациянинг **“Ёрдамчи проекциялашнинг параллел усули ва унинг қўлланилиши”** деб номланган иккинчи бобида тўғри бурчакли ёрдамчи проекциялашни параллел проекцияларда метрик масалаларни ечишда қўлланилиш мазмуни, график компетентликни ривожлантириш методикаси, интерфаол методлар ёрдамида талабаларнинг график топшириқларни топшириш ва бажариш бўйича мотивациясини кучайтириш орқали касбий график компетентлигини ривожлантиришнинг илмий-педагогик асослари ёритилган.

График фанлардаги позицион ва метрик масалаларни ечишда шундай усуллар борки, уларни назарий ва амалий томонларини ҳар томонлама ўрганиб турли масалалар ечишда қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади, бунда, аввало позицион ва метрик масалалар тўғрисида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Икки геометрик шаклларнинг ўзаро жойлашиш вазиятига нисбатан уларнинг кесишишувидан ҳосил бўлган шаклнинг вазияти ва кўринишини аниқлашни позицион масалалар деб юритамиз. Чизма геометрия фанида





4-расм. Бўлажак чизмачилик ва чизма геометрия ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш модели.

Талабаларнинг объектив фаоллигини ривожлантириш босқичли жараён бўлиб, унда динамиклик ҳам процессуал ҳам баҳолаш компонентлари билан таъминланади. Моделнинг процессуал блоки талабаларнинг предмет фаолиятини ташкил этиш шакллари ва воситаларини, шунингдек, турли босқичларда фаолиятнинг етакчи тартибларини ташкил этиш усулларини ифодалайди. Процессуал блокни ишлаб чиқишда талабаларнинг объектив фаолиятининг ривожланиш босқичлари ҳисобга олинган.

Ривожланиш жараёни талабаларнинг ўқув ва амалиётга йўналтирилган вазифаларни ҳал қилишда функционал жиҳатдан муҳим фаолият усулларини тизимли ўзлаштиришни кафолатлашдан иборатлигини ҳисобга олиб, уч босқич ажратилди, улар график ишларни бажариш кўникмаларни ўзлаштириш кўрсаткичларининг сифат жиҳатидан ўзгариши ва ижобий динамика билан тавсифланади. Булар:

1. Самарали босқич талабалар томонидан индивидуал график ишларни бажариш ва уларни ўқитувчи раҳбарлигида тавсифий мазмундаги масалаларни ечишда олган билимга таяниб қўллашдан иборат.

2. Умумлаштирувчи босқич жараёнида талаба яхлит фаолият жараёнининг субъекти сифатида ҳаракат қилади, яъни уни мустақил равишда ташкил қилиши мумкин: мақсадларни шакллантириш, вазифаларни белгилаш, ахборот манбаларини ва ҳаракатларни амалга ошириш воситаларини танлаш; муаммоларни ҳал қилиш ёўналишини режалаштириш, ҳаракатларни бажариш, натижани мақсад билан боғлаш.

3. Шахсий индивидуал босқичда талаба нафақат ўз фаолиятини мустақил равишда ташкил этиши, балки улар ҳақида фикр юритиши, ўз ривожланиши ва ўрта умумий тавсифий таълим даражасида таълим траекториясини танлаш учун аҳамиятини аниқлаши мумкин. Бу босқич талабанинг шахсий тажрибасини шакллантиришни тавсифлайди, бу тажрибанинг барча турларига бевосита киритилган.

Натижавий-баҳолаш блокида бўлажак педагог муҳандисларда касбий график компетентликнинг ривожланганлигини баҳолаш (мотивацион-қадриятли, когнитив, амалий-фаолиятли, ижодий) ва даражалари (репродуктив, продуктив, креатив) мезонлари танланди.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, ОТМларда ёрдамчи проекциялаш усулида талабаларнинг фан фаолиятини ривожлантириш жараёнини шартли равишда босқичларга бўлиш уларни 2-3-курслардаги тизимли кетма кет жарёнлар билан боғлаш имконини беради.

Талабаларнинг предмет фаолиятини ривожлантириш босқичларини ҳисобга олиш режалаштирилган таълим натижаларига эришишда босқичма-босқич хусусиятни акс эттиради ва ёрдамчи проекциялаш усулни ўрганиш ташкил этишда жараёнини узлуксизликни таъминлайди.

Ишлаб чиқилган моделнинг натижавий баҳолаш блоки режалаштирилган фан ва метасубжест таълим натижаларига ҳамда миллий ўқув дастури талабларига мос келади. Ушбу блок иккита элементни ўз ичига олади: назорат ва диагностика, сўнгги элемент дастлабки, жорий ва якуний диагностикадан иборат. Тадқиқот жараёнида талабаларда ёрдамчи проекциялаш усулни

ўрганиш кўникмаларни шакллантириш даражалари, мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Назорат элементи талабаларнинг предмет фаолиятининг ривожланиш даражаларини аниқлаш имконини беради, улар ёрдамчи проекциялаш усулни ўрганиш кўникмаларни шакллантириш мезонлари ва кўрсаткичларига мос келади. Тадқиқотда ишлаб чиқилган моделнинг янгилиги 2-3-курсларда тизимли ёрдамчи проекциялаш усулни ўрганиш талабаларда фан фаолияти мазмунини кенгайтириш ва ўқитишнинг амалий йўналишини кучайтириш, яхлитлик структурасини таъминлаш ғояси билан белгиланади. Талабаларнинг чизма геометрия дарсларида, шу жумладан, ОТМ талабаларининг дарсда ва дарсдан ташқари ишларда етакчи тартиб-қоидаларда, чизма геометрия ўқитувчисининг касбий ва услубий вазифаларини аниқ белгилашга қаратилган.

Диссертациянинг **“Педагогик тажрибанинг мазмуни, ташкил қилиниши ва олинган натижаларнинг таҳлили”** деб номланган учинчи бобида тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши талабарининг график иш бажариш компетенцияларини ривожланганлигини баҳолаш мезонлари, тажриба-синов ишларининг мазмуни, тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ҳамда уни ўтказиш, олинган натижаларни математик-статистик таҳлил қилинган. Педагогик тажриба-синов ишлари мазмуни ва мақсади тадқиқот ишида тақлиф қилинган шакл, метод ва воситалари ва уларни қўллаш натижаларининг тўғри эканлиги асослашдан иборат бўлди. Тажриба охирида эса талабалардан чизмачилик ва чизма геометрия жорий, оралик назорат ишлари ва саволномалар, синовлар, шунингдек, амалий ишларни бажаришда тўғарак машғулотларида олган билимларидан фойдаланиб ташкил этилган машғулотларда эгалланган билим ва кўникмаларни баҳолаш тадқиқот мазмунига мос ҳолда танланган мезонлар ёрдамида амалга оширилди.

Бўлажак чизмачилик ва чизма геометрия ўқитувчиларининг компетенцияларини (илмий ва илмий-тадқиқот, проекциялаш, кўникма, малакаларининг) ривожланганлик даражасини ўрганишнинг таҳлилий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлишига эътибор қаратилди. Бунинг учун эса мазкур ҳолат илмий - педагогик жиҳатдан ўрганилди ва натижаларни баҳолашга оид мезонлар (кўрсаткичлар) асосланди. Мазкур мезонларга (кўрсаткичларга) таянган ҳолда бўлажак чизмачилик ва чизма геометрия таълим ўқитувчиларининг билим, кўникма, малака ва компетентлик сифатларини аниқланганлик даража кўрсаткичлари юқори (креатив), ўрта (продуктив) ва паст (репродуктив) ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланди.

Педагогик тажриба-синов ишлари уч босқичда, асословчи (2018-2019 ўқув йили), шакллантирувчи (2019-2020 ўқув йили), умумлаштирувчи (2020-2021 ўқув йили) босқичларда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институти, Фарғона давлат университетида олиб борилди.

**Асословчи босқичда** олий таълим амалиётида муаммонинг ҳолатини аниқлаш, талабаларда касбий график компетентликнинг бошланғич даражасини ташхислаш, иш дастурларини таҳлил қилиш асосида компетенциялар

даражаларини белгилаш ва уларни бирламчи диагностик объектлари сифатида ажратиб кўрсатиш каби вазифалар бажарилди. Тажриба ва назорат гуруҳларида ташхислаш ишлари тестлар, кўргазмали воситалар, экспресс сўровлар, масалалар, амалий дидактик топшириқлар, технологик вазифалар воситасида ўтказилди.

**Шакллантирувчи босқич**да эса педагогик тажриба-синов ишларида кўзда тутилган асосий чора-тадбирлар мажмуи: тажриба гуруҳларида замонавий педагогик ёндашувлар асосида дарс машғулотларини ташкил қилиш, дарс машғулотларини кузатиш ва мониторингини юритиш, ўқитувчиларга қўшимча маълумотлар бериб бориш, тажриба-синов ишлари давомида кузатилган айрим камчиликларни бартараф қилиш, дастур ва режага тегишли тузатиш ҳамда ўзгартиришлар киритиш, сўровномалар ўтказиш каби ишлар амалга оширилди. Ёрдамчи проекция усулини ўқитишда компетенциявий ёндашув модели талабаларнинг динамик ўзгаришларга ижодий қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш, турли хил маълумотлар оқимида объект моделини чизиш қобилияти билан проекциялашни янги турлари ва шакллари ривожлантиришни назарда тутди.

**Умумлаштирувчи босқич**да олий таълим муассасаларида ўтказилган педагогик тажриба-синов ишлари давом эттирилди, талабаларнинг ўзлаштиришлари ва ўқитувчиларнинг замонавий педагогик ёндашувлар асосида олиб бораётган чизма геометрия машғулотларининг мониторинги амалга оширилди, тажриба-синов ишларининг яқунловчи натижалари тартибга солинди, тажриба ва назорат гуруҳларидаги респондентларнинг тажриба-синовдан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари аниқланди, ўзлаштириш кўрсаткичларининг математик-статистик таҳлили амалга оширилиб, умумлаштирилди.


1-жадвал.

**Тажриба-синов иши иштирокчиларининг ижодий фаоляти  
ривожланганлик натижалари**

ОТМ	Ижодий фаолятни ривожланганлик даражаси	Тажриба гуруҳларида				Назорат гуруҳларида			
		Тажриба бошида 191 нафар талаба (%)		Тажриба охирида 189 нафар талаба (%)		Тажриба бошида 193 нафар талаба (%)		Тажриба охирида 195 нафар талаба (%)	
Фарғона ДУ, Жиззах ПИ, Чирчиқ ДПИ	Юқори	37	19,4	64	33,9	38	19,7	46	23,6
	Ўрта	97	50,8	118	62,4	93	48,2	98	50,3
	Паст	57	29,8	7	3,7	62	32,1	51	26,2

Тажриба-синов ишлари олиб борилган ОТМлари талабаларининг умумий ўзлаштириш даражалари диаграмма ҳолатида тасвирланди (5-расмга қаранг).

Педагогик тажриба-синов ишида Фарғона ДУ, Жиззах ДПУ ва Чирчиқ ДПУ “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” бакалаврият таълим йўналишининг тажриба гуруҳидан 189 нафар ва назорат гуруҳидан 195 нафар талабалари иштирокида олиб борилди ва қуйидаги натижага эришилди.



**5-расм. Тажриба-синов ишлари олиб борилган ОТМлари талабаларининг умумий ўзлаштириш даражалари**

ОТМларининг “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” бакалаврият таълим йўналишида тахсил олаётган талабаларни ўқитишда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган методика самарадорлигининг миқдорий мезонлари бўлиб қуйидагилар танланди ҳамда Стъудент мезони ёрдамида таҳлил қилинди. Демак, бош ўртача қийматлар тенглиги ҳақидаги  $H_0$  нолинчи гипотеза рад этилиб,  $H_1$  гипотеза қабул қилинади. Тажриба-синов гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳар доим назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларидан юқори бўлди. Бундан, жорий қилинган таълим самарали эканлиги ҳақидаги хулоса келиб чиқади.

Шундай қилиб, олий таълим муассасаси бўлажак ўқитувчиларини ижодий тайёргарлигини ривожлантириш моделининг самарали ишлаши учун педагогик шарт-шароитларни текшириш, тажрибани аниқлаш ва назорат қилиш босқичларида натижаларни ташхислашда, танланган барча мезонларга кўра, тажриба гуруҳи талабалари назорат гуруҳи талабаларига қараганда анча юқори натижаларга эришганлиги аниқланди. Буни К.Пирсон ( $X^2$ ) (хи-квадрат)нинг статистик мезони ёрдамида олинган назорат ва тажриба гуруҳи маълумотларини миқдорий таҳлил қилиш орқали тасдиқлади. Миқдорий мезон кўрсаткичлари 2-жадвалда келтириб ўтилди.

2-жадвал.

### Миқдорий мезонлар кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Тажриба-синов гуруҳи $m=189$	Назорат гуруҳи $n=195$
1.	Статистик таҳлил	2.3	1.97
2.	Ўртача квадратик хатолик	0.3	0.5
3.	Стъудент танламали мезони ( $T_{x,y}$ )	7.88 ( $7.88 > 1.84$ )	
4.	Кўрсаткичлар хулосаси	$H_0$ гипотеза рад қилиниб $H_1$ гипотеза қабул қилинади	

Ўтказилган тажриба-синов иши ниҳоясида, тажриба гуруҳидаги талабаларининг ижодий тайёргарлигини ривожланганлик даражалари назорат гуруҳи талабаларининг даражаларига нисбатан 11% юқори кўрсаткичга эга бўлди, бу эса, ишлаб чиқилган модел ва методиканинг самарали эканлигини исботлайди.

## УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

“Ёрдамчи проекциялаш усулларини ўқитиш орқали талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш методикаси” мавзусини тадқиқ этиш асосида қуйидаги умумий хулосаларга келинди:

1. Ушбу тадқиқот контекстида фаолият потенциалини кенгайтириш давлат таълим стандартининг самарали-мақсадли асосини ва ҳақиқий хусусиятларини ҳисобга олишга асосланган бўлиб, чизмачилик ва чизма геометрия фанида янги ёрдамчи проекциялаш усулини ўрганишда самарали технология сифатида белгиланди.

2. Объектив фаолият мазмуни махсус, талабалари томонидан тавсифий билишнинг маълум бир мантиғида ўзлаштириладиган кўникмалар ва универсал кўникмалар билан таъминланган ҳолда бунда ёрдамчи проекциялаш усуллари ўзига хос ядро сифатида ҳаракат қилади.

3. Тадқиқот давомида махсус кўникмаларнинг график иш бажаришни кузатиш, жараёнлар ва ҳодисаларни тасвирлаш, тушунтириш, масалаларни ечишда ёрдамчи проекциялаш усулни қўллаш ҳамда график иш бажаришнинг хусусиятлари ва ривожланишини башорат қилиш каби қобилиятларни умумлаштирилган гуруҳлари аниқланди.

4. Тадқиқот жараёнида талабаларининг график иш бажаришни ўрганишдаги предмет фаолиятини ривожлантириш компетенцияси ишлаб чиқилди ва модулли-компетенциявий ёндашув асосида талабалар касбий компетентлигини ривожлантириш тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши талабига мувофиқ равишдаги методологик ёндашувлар, электрон таълим ресурслари орқали самарали ташкил қилинади.

5. Чизмачилик ва чизма геометрия фанларида ижодий фаолиятни ривожлантириш методикаси ёрдамчи проекциялашда зарур бўладиган элементлар (техник-дизайн, конструкциялаш, проекциялаш) ва уни амалга оширишдаги мантикий-функционал ёндашувлар орқали ижодий фаолиятнинг юқори даражасига эришилиши асосланилди. Бунда проекция, ёрдамчи проекциялаш усулининг барча мавзуларини ўқитишда фикрлаш фаолияти усулларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, ўзида янги ахборотларни сақловчи масалалар занжирини тузиш, фузионизм ғоясидан фойдаланиш муҳим омиллар сифатида қаралди.

6. Чизма геометрия фанини ўрганишда талабаларнинг предмет фаоллигини ривожлантиришнинг ишлаб чиқилган моделини синовдан ўтказишнинг экспериментал текшируви ва услубий шартлар мажмуаси унинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

7. Диссертация тадқиқотида олинган илмий хулосалар мақсадни амалга оширилганлиги, белгиланган вазифалар ҳал этилганлигини ҳамда тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва тадқиқот натижаларини умумлаштириш ўқув фани фаоллигини ривожлантиришнинг ишлаб чиқилган услубий модели талабалар томонидан режалаштирилган таълим натижалари (фан кўникмалари ва универсал таълим ҳаракатлари даражасида), уларнинг фан фаолияти профилини диверсификация қилиш мумкинлигини кўрсатади.

**Ўтказилган тадқиқот натижалари қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқиш имконини берди:**

1. Проекция, ёрдамчи проекциялаш усулининг барча мавзуларини ўқитишда фикрлаш фаолияти усуллари шакллантириш ва улардан фойдаланиш, ўзида янги ахборотларни сақловчи масалалар занжирини тузиш, фузионизм ғоясидан фойдаланиш муҳим омиллар сифатида қаралса мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Тадқиқот натижаларидан педагогика олий таълим муассасалари бакалавр ва магистратура таълими жараёнида ва педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ва факультетларида фойдаланиш тавсия этилади.

3. Чизмачилик ва чизма геометрия фанларида ижодий фаолиятни ривожлантириш методикаси ва уни такомиллаштиришда таълимга инновацион мустақил ёндошишни ривожлантирадиган дидактик таъминотни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

---

**ЧИРЧИКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**КЎКИЕВ БОБУРМИРЗО БАХОДИР ЎҒЛИ**

**МЕТОДЫ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ  
ЧЕРЕЗ ОБУЧЕНИЕ ВСПОМОГАТЕЛЬНЫМ ПРОЕКЦИОННЫМ  
МЕТОДАМ (на примере науки рисования)**

**13.00.02 - Теория и методика обучения и воспитания  
(Начертательная геометрия и инженерная графика)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Чирчиқ – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.2.PhD/Ped2255.**

Диссертация выполнена в Чирчикском государственном педагогическом университет.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) выложен на веб-странице Чирчикского государственного педагогического института ([www.tvchdpi.uz](http://www.tvchdpi.uz)) и на Информационном образовательном портале “ZiyoNet” ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net))

**Научный руководитель:** **Джумаев Маманазар Иргашевич**  
кандидат педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Химматалиев Дустназар Омонович**  
доктор педагогических наук, профессор  
**Сайдалиев Саидкарим Саиднабиевич**  
кандидат педагогических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Кокандский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года в часов на заседании Научного совета DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 при Чирчикском государственном педагогическом университет (адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Тимура, дом №104). Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: [chdpi\\_kengash@umail.uz](mailto:chdpi_kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического университета (зарегистрирована под номером \_\_\_\_). Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Тимура, дом №104. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.  
(протокол реестра под номером \_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года).

**Ж.Э.Усаров**  
Председатель Научного совета  
по присуждению научных  
степеней, д.п.н., доцент

**Д.М.Махмудова**  
Секретарь Научного совета  
по присуждению научных  
степеней, д.п.н., доцент

**Р.А.Эшчанов**  
Председатель научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
научных степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В современных условиях, когда глобальные процессы глобализации и интеграции ускоряются, существует необходимость в повышении профессиональной графической компетентности путем развития информационно-коммуникационных компетенций будущего учителя технологии и черчения. Поэтому, основываясь на нормах и международных стандартах, установленных ЮНЕСКО в стратегических проектах, таких как "составная структура ИКТ-компетентности учителей", "квалифицированные учителя для всего образования", научные исследования по применению цифровых технологий 3D, навыки эффективной работы с ИКТ, а также разработка профессиональной графической компетентности имеет первостепенное значение.

В развитии профессиональной графической компетентности преподавателя черчения и начертательной геометрии в престижных научно-исследовательских центрах мира проводятся отдельные научные исследования по знанию графических навыков, функциональной и конструктивной уникальности объектов, эффективному применению навыков и компетенций, опыту графической профессиональной ориентации и деятельности, созданию свободной среды для творчества в графических информационных технологиях, успешной профессиональной и педагогической деятельности, ее важности и отношения к определенным технологическим вопросам для учителя черчения и начертательной геометрии, разработке системы коррекционных упражнений, направленных на предотвращение ошибок. Это требует разработки индивидуализированных технологий обучения для развития творческой деятельности, подготовки высококвалифицированных кадров на основе программы "STEAM – обучение", развития конструкторской, технологичной и коммуникационной компетентности на научно обоснованной системе.

В последние годы в нашей стране на современном этапе развития системы образования был проведен широкий ряд работ по содержанию и методике образования, повышению его качества и эффективности, проектированию содержания образования, разделению профессиональных графических компетенций на структуры, созданию новых методических моделей образования и их применение в образовательной практике. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в качестве приоритетной задачи определено "дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования, расширение возможностей предоставления качественных образовательных услуг, продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда"<sup>1</sup>. При этом важную роль играет обеспечение дидактических возможностей совершенствования методики развития профессиональной графической компетентности будущих учителей черчения.

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Собрание Законов Республики Узбекистан. Т.: 2017. -С.39.

Данное исследование в определенной мере служит реализации задач, указанных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-5847 "Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года" от 8 октября 2019 года, РП-2909 "О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования" от 20 апреля 2017 года, РП-3775 "О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших учебных заведениях и обеспечению их активного участия в широкомасштабных реформах, проводимых в стране" от 5 июня 2018 года, а также других нормативно-правовых документов, относящихся к данной области.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники Республики.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развитие науки и техники Республики «Развитие системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурно-духовном и образовательном развитии информационного общества, демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** Процесс подготовки высококвалифицированных специалистов в Республике, их закономерности и тенденции, проблемы подготовки будущих учителей к профессиональной педагогической деятельности, профессиональные возможности учителей исследовали Ш.К.Мурадов, Т.К.Мусалимов, А.Абдурахмонов, Д.Ф.Кучкарова, Т.Риксибаев, С.С.Сайдалиев, Д.С.Сайдахмедова, А.К.Хамракулов и другие.

Ученые из стран Содружества Независимых Государств (СНГ) К.Потье, У.Мезьер, Я.А.Севостьянов, М.Я.Громов, А.Х.Редер, Н.И.Макаров, Е.С.Федоров, Н.А.Ринин, В.О.Гордон и С.М. Колотов в научных исследованиях изучали отражение вопросы обучения черчения и начертательной геометрии, применения инновационных методов в решении позиционных и метрических задач.

Из зарубежных ученых исследование теоретических аспектов процесса формирования творческих компетенций через проекцию проводилось такими учеными как Фрезье, Ферма, Декарт, Г.Монжа и другими.

Несмотря на то, что по данной проблеме реализована организационно-методическая основа эффективного контроля качества образования в системе непрерывного образования, необходимо также провести научные исследования по методике развития творческой активности студентов путем обучения вспомогательным методам проектирования в области педагогики.

**Соответствие диссертационной работы плану научно-исследовательской работы, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательской работы Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области (2017-2020 гг.) научно-практического проекта на тему "Развитие педагогической деятельности на основе сотрудничества в образовательных учреждениях" ПЗ-2017-0927124.

**Целью исследования** является совершенствование методики развития творческой деятельности студентов путем обучения вспомогательным проекционным приемам.

**Задачи исследования:**

определить дидактические возможности развития у студентов компетенции профессиональной творческой деятельности;

разработка структурно-динамической модели изучения вспомогательного метода проектирования;

совершенствование методики развития творческой деятельности студентов путем обучения вспомогательным проекционным технологиям;

усовершенствование системы диагностической оценки, определение степени профессиональной компетентности студентов.

**Объектом исследования** является процесс развития творческой деятельности студентов посредством обучения вспомогательным способам проекции в высших учебных учреждениях, в эксперименте участвовали 384 респондента-студента Ферганского государственного университета, Жиззахского государственного педагогического института, Чирчикского государственного педагогического университета Ташкентской области направления изобразительного искусства и инженерной графики.

**Предметом исследования** являются формы, методы и средства развития творческой деятельности студентов посредством обучения вспомогательным проекционным технологиям.

**Методы исследования.** При решении исследовательских задач использовались методы обзора литературы в педагогических, психологических, методических и графических предметах, теоретического анализа, педагогического наблюдения, анкетирования, моделирования, диагностики, педагогического эксперимента и математической статистики.

**Научная новизна исследовательской работы** заключается в следующем:

определены на основе приоритета вспомогательной проекции графических процессов в черчении и начертательной геометрии, проектировочные функции и мотивационно-ценностные, познавательные, практико-деятельностные, рефлексивно-оценочные компоненты логики оптимального обеспечения творческой деятельности, направленные на поиск творческого решения учебных задач;

